

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Хафтанинг юлдузли онлари

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш туғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган куннинг беш йиллигига бағишлаб «Республика Конституцияси — ютуқларимиз гарови» мавзуида давра суҳбати утказилди.

● Шу кунларда республикамизнинг ҳамма жойида атоқли шоир, озодлик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон угли Чулпон таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таклифига биноан Латвия Республикаси Сейми Раиси Алфредс Чепанис бошчилигидаги шу мамлакат парламент делегацияси республикамызда бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси 1997 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида чақириладиган бўлди.

● Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Маънавий баркамол, соғлом шахс — давлатимиз таянчи» мавзусидаги семинар кенгаш Қарши шаҳрида утказилди.

● Тошкентдаги «Фотон» ҳиссадорлик жамияти билан Япониянинг машҳур «Soni» фирмаси уртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу кунларда «фотон»чилар «Soni» русумли телевизорларни йиғишни бошлаб юборишди.

● Футбол буйича Ўзбекистон кубоги мусобақалар ниҳоясига етди. Биллур соврин Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига насиб этди.

ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИДИР ҲАМДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан.)



Ўз уйида бахтли бўлган кишигина масдан энг гўзал мўъжизадир.
бахтлидир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Ўз эрини олға юргизмаган аёл уни шубҳасиз орқага тортади.

Ж. МИЛЛЬ

Минглаб тасодифлар синовидан утадиган эр-хотин муҳаббати кундалик энг оддий ҳодиса бўлишига қара-

масдан энг гўзал мўъжизадир.
Ф. МОРИАК

Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт келтиради, шунинг учун у давлат аҳамиятига молик қутлуғ маскандир.

А. С. МАКАРЕНКО

Никоҳ — кишилик жамиятининг бошланишидир.

ЦИЦЕРОН

Оила—саодат қасри

Яхши эр-хотинда қалб иккита бўлса ҳам истак битта бўлади.

М. СЕРВАНТЕС

Номус — эр-хотин тотувлигининг қони ва жонидир.

Д. ФОНВИЗИН

ШАРҚ ЛИБОСЛАРИ

Ахборот

«Муштарий» ҳиссдорлик жамиятида шаҳримизнинг қули гул чеварлари тиккан, миллий ҳунармандчилигимиз ифодаси бўлган либосларнинг курғазмаси бўлиб ўтди. «Шарқ либослари» деб номланган ушбу тadbирни ўтказишда Наманган шаҳар хотин-қизлар кумитаси, тadbиркор аёллар уюшмасининг шаҳар кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси бош-қош бўлди.

Курик танловда шахримиз маҳаллаларида истиқомат қилувчи чеварлар қатнашиб, узлари тиккан миллий либослар курғазмасини ташкил этишди. Р. Мумин номидаги маҳалла вакиласи Уктамхон Мирзаева тайёрлаб келган либослар кўпчилигида ахши таасурот қолдирди. «Наврўз», «Баҳор», «Тунги ёғду» деб номланган байрамона либослар туркуми ҳақиқий миллий ҳунармандчилик анъаналарини узидан мужассам эта олган. Ҳамза номидаги маҳалла вакиласи

Ферузахон Тухтахужаева тайёрлаган либослар эса, асосан ёш қизлар, келинлар учун мулжалланган бўлиб, юқори дид ва нафосат билан, узига хос усулда тикилган.

Курик танловда алоҳида эътиборни тортган нарсаси «Тadbиркор аёллар» вилоят танловининг голиби — «Беруний» номидаги маҳалланинг курғазмалари бўлди. Ушбу маҳалладан келган Маҳмудахон Жалолова турли ешдаги киз-жувонлар, мактаб ешдаги болалар ва кизчалар, келинчалар, туй болалар учун алоҳида либослар туркумини намойиш этди.

Куриқнинг барча голиблари ва қатнашчиларига эсдалик совғалари берилди.

Махфиратхон МАМАДАЛИЕВА,
Наманган шаҳар ҳокимлиги
хотин-қизлар
қўмитаси бош мутахассиси

Шу сонга

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада жонлантириш мақсадида қатор семинарлар, хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг уқувларини ташкил этмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири — «Аёл ва жамият» семинари Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтди.

Семинарда иштирок этган Бош вазир уринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломова йиғилганлар ҳузурида нутқ сузлаб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар, муаммолар, мавжуд имкониятлар ҳақида гаширди. Шунингдек, семинарда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда, соғлом авлод тарбиясида аёлнинг — онанинг ўрни гоят катталиги таъкидланиб, бу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Ўз мухбиримиз



Ўригидан данаги ширин

КАСАЛЛИК ЧЕКИНМОҚДА

Соғлом авлод учун

Сунги йилларда Европа ва Шарқий Урта Ер денгизи ҳудудида олиб борилган чора-тadbирлар туфайли полиомиелит (фалаж) касаллигининг тарқалиши кескин камайди. Агар 1996 йилда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти — БССТнинг Европа ҳудудида (унга Марказий Осиё ва Кавказ орти республикалари кирди) 196 та касаллик ҳолати қайд этилган бўлса, ушбу йилнинг утган туққиз ойида бу курсаткич атиги биттани ташкил этди. Бу ҳудудда 1995-1997 йилларда полиомиелитга қарши эмлаш кенг куламда амалга оширилгани ана шундай ижобий натижа берди. Жумладан, 1995 йилда 5 ешгача бўлган 60 миллион бола, 1996 йилда 58 миллион, 1997 йилда эса 60 миллион бола эмланди, умумий курсаткич 98 фоизни ташкил этди.

Шу йил 20-22 октябр кунлари Римдаги Соғлиқни сақлаш Олий институтида полиомиелит бўйича мутахассисларнинг конгресси бўлиб ўтди. Унда 2000-йилгача Европа ва Урта Ер денгизи ҳудудида полиомиелитни бутунлай йўқотишга йўналтирилган операция ўтказишга келишиб олинди. БССТнинг Европа ҳудудида полиомиелит бўйича координатори Г. Облапенконинг сузлари билан айтганда: «Бу йитирма биринчи аср болаларига улкан совға бўлади».

ШУНАҚА ЛАЗЗАТ КЕРАКМИР

Тан олиш керак, сигареталар рекламаси жозибadorлиги билан ажралиб туради: «Америка билан учрашув» (ЛЭМ), «Ҳаяжонли дамларга ошно булинг» (Холливуд), «Ҳақиқий Шарқона лаззат» (Саратон) каби ундовлар нафақат кашандаларни, балки «чексамми, чекмасамми?» деб иккиланиб турган ешларни ҳам узига жалб қилади, уларда ана шу лаззатдан то-

тиб қуриш истагини уйғотади.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Трансмиллий компанияларнинг Шарқий Европа ва собиқ СССР ҳудудидаги мустақилликка эришган давлатлар бозорига қилган «салб юриши» оқибатида аёллар, ешлар, энг ачинарлиси, балоғатга етмаган усмирлар уртасида кашандалар кунлайди. Шунинг оқибатида турли касалликлар ҳам ортди. БССТ мутахассисларининг фикрича, ахвол шундай давом этадиган бўлса, 2020 йилга бориб Европада йилга 2 миллион одам кашандалик оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг қўрбонига айланади.

АҚШда тамаки маҳсулотларини реклама қилиш, сотиш ҳамда сигареталар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг турли тadbирларга ҳомийлик қилиши бўйича маълум чеклашлар мавжуд. 1991 йил Францияда тамаки маҳсулотлари тарғиботи бутунлай таъқиқланган эди. Натижада сигареталар согуви 10 фоизга камайишига эришилди. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Айрим мамлакатларда сигареталар ишлаб чиқариш, реклама қилиш ва сотишдан тушадиган даромадга маҳдиде бўлиб қолинмоқда, оқибатлар эса уйланмаяпти. «Олмоқнинг бермоғи бор», дейди халқимиз. Бутун сигареталар миллион-миллион даромад келтираётган экан, яқин келажақда тамаки истеъмоли оқибатида келиб чиқадиغان оғир хасталикларга қарши кураш учун миллиардлар сарфлашга туғри келишини унутмаслик керак. БССТ берган маълумотларга қараганда, МДҲда эркакларнинг уртгача умри 53-60 йилни ташкил этаркан. Ривожланган мамлакатларда бу курсаткич 70 йил атрофида етиб қолгани ва одатда ошиб бораётгани назарда тутилса, МДҲдаги бундай даст курсаткичнинг сабабларидан бири ичкиликбозлик ва кашандалик эканини эсда сақлаш керак.

БССТнинг барча саты-ҳаракати ана шу бало-қазони реклама қилишни бутун дунёда чеклаш, келажақда эса бутунлай таъқиқлашга қаратилган. «Тамакидан холи Европа учун», «Тамаки еҳуд соғлиқ» каби жамоат ташкилотлари ҳам шу йўлда иш олиб бораёпти.

Даврон БЕК,
БССТ материаллари
асосида тайёрланди

«Труд» утган шанба кунги сонига берилган шов-шувли мақолада Россия фожияси: она уз тулагини 23 минг долларга сотди», деб сарлавҳа қуйган. Мақолада бир ярим ойлик гудагини тугуриқхонадан олиб чиқиб, «мумайгина пул-га сотган москвалик Лариса Петровна Сақяннинг муҳлиш қилмиши ҳақида ҳикоя қилинади. Маълум бўлишича, 27 ешли Лариса турмушдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳомилador бўлган пайтдаёқ газетага эълон бериб, боласига «ҳомий» қиларди... Ва ниҳоят бола туғилгач уни пуллайдди.

Бу ишдан Ларисанинг эри ҳам хабардор бўлди ва «савдо»-да фаол иштирок этди. Уларнинг аялчи кирдиқорларини фопш этишда боланинг хариорлари — бир журналист ва милиция ходимаси, «эр-хотинлар» газетлада Ларисанинг берган эълони бўйича иш бошлашади ва болафурушилик жараёнида бошдан охиригача иштирок этишади.

Газетанинг эшишича, бу воқеа бутунги Россия ҳаётида тез-тез учраб турадиган ҳолат. Хусусан, қарилйлик бир она «кайф устида» беш ойлик қизини 213 минг рублга нотаниш аёлга бериб юборган бўлса, Перворурск қишлоғида Слобода қишлоғида яшовчи

эр-хотин уч яшар қизини 100 минг рублга лули хотинга пуллаган. Улар 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қизчанинг тақдирини эса номаълум. «Ҳатто ҳайвон ҳам уз зурриедини ташлаб кетмайди. Бундан ортик фожия бормикан?», деб ёзади газета.

Жаҳон ҳамжамияти 1 декабр — СПИДга қарши кураш кунини оғир ташвишлар билан қарши олади. «XX аср вабоси» деб ном олган бу бедаво дард жаҳон узра тобора кенг тарқалмоқда. Мана, энг сунги маълумотлар.

Дунёда айна пайитда бу хасталик вирусини юқтирган, СПИД билан оғриган болалар сони 1 миллиондан ошиб кетди. 1996 йили эса ана шу хасталик оқибатида 350.000 бола ҳаётдан куз юмди. Бугунги кунда Ер юзида СПИД билан оғриган ва унинг вирусини юқтирганлар сони 30,6 миллион кишини ташкил этади. Буларнинг аксарияти 25 ешгача бўлган ешлардир.

Муқаррар улим олиб келадиган бу юкумли касаллик, аниқ маълумотларга қараганда, жуда тез тарқалмоқда. Ҳар кун бу ажал вирусига 15-16 минг киши мубтало бўлмоқда.

Шубҳасиз, СПИДнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли бу ҳа-



лоллик, тозаллик, ҳирсу нафсини тия билишдир.

Германиянинг Ганновер шаҳрида жуда катта хайрия гала-концерт бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари тантаналар дунёга доғир тартган хонанда ва артист, актиёрлардан ташқари энг машҳур спортчиларини, шоу-бизнес вакилларини ҳам таклиф этишди. «Юлдузлар оқдими» деб ном олган бу концертга кириш ҳар кимга насиб этмади. Чунки чипта баҳоси нақд 500 немис маркасида эди.

Саҳнага чиққан ҳар бир машҳур юлдуз узи билан Босния эки Комбожа, Руанда эки Бразилиялик бирор-бир болани етаклаб чиқди. Болалар уларининг ватандошлари, тенгқурлари кечиряётган оғир ҳаёт тарзи ҳақида қисқача гапириб беришди. Юлдузлар эса уларни оромкурсларга утиргизиб, улар учун кушиқлар куйлашди, ҳар хил уйинлар қуратинди.

Айни пайтда ҳомийларнинг БМТнинг Болалар фондига /ЮНИ-

СЕФ/ утказган маблағлари эълон қилиб турилди. Бу анжуманининг асл мақсади ҳам ана шу фондга ердан курсатишдан иборат эди. Аппи икки соат давом этган гала концертда уч миллион немис маркаси миқдорига катта маблағ йиғилди.

Россиянинг Оренбург вилоятида ойлаб квартира ҳақини гуламийдан фуқороларга чора қуришнинг янгича усулини ўйлаб топилди. Топкой туманида бундай қарздорларнинг исми-шарифларини, яшаш жойлари ва қарзлари миқдорини вақтли матбуотда эълон қилишиб, «пармандасини чиқариш» орқали уларни тартибга чакирришга ҳаракат қилишмоқда. Бу ердаги айрим фуқаролар коммунал хизмат ҳақларини бутун йил давомида туламай келишади. Коммуналчиларнинг фикрича, бундай маънавий чора-тadbирлар ҳам иш бермаса, судга мурожат этишга туғри келади.

Одам боласининг ҳайвонга айланиши унинг қайта одам сиекига қайтишидан кура енгирроқ кечар экан, чамаси. 1987 йили Жанубий Африканинг тоғли ҳудудидаги Сандумбили қишлоғида яшовчилар ўрмонда маймулар орасида юрган беш яшар қиз-ялан-

гоч уғил болани тутиб олишади. Болакай маймулар ҳаётига мослашиб кетган, турт оёқлаб югуриб юрар, шохдан-шохга сакрар эди. Кишлоқликлар уни олиб келишиб, махсус мактаб-интернатига тарбиячи Этел Мтиян тарбиясига топширишди. Мана шундан бери ун йил утибдики, Шанбайов /уни шанба куни толиб олишгани учун шундай ном қуйишади/ гапиришини билмайди. Еввоийлашиб кетган усмирнинг одам бўлиши жуда қийин кечади. Гарчи у энди ҳамма гапни тушунса-да, бирор-бир суэни талаффуз етолмайди.

Ажабланарли томони шундаки, у ҳозиргача ун йил ичида ҳеч қандай дардга, ҳатто олий йақмоллашга ҳам дучор бўлгани йок. «Бу гаройиб феномен, — деб ёзади Йоханесбургда чиқадиغان «Мейл энд гардлар» газетаси, — чунки айна унинг ешида болалар турли касалликларга чалинишга мойил бўлишади. Шанбага эса бирор-бир бактерия тасир етмайди. Бунинг ягона сабаби — унинг маймуний ҳаёти тарзида ортирган иммунитетидир. Айни шу иммунитет туфайли болакай бу ердаги ҳар қандай юкумли инфекциялардан холи. Бунда қандай юзата келгани эса жумбоқ».

1992 йил 8 декабр, ун иккинчи чакриқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида Мустақил Узбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши «Никоҳ ва оила коллекси»га ҳам аниқлик киритди. Чунки Конституциянинг III бўлим, XIV боби «Оила» деб номланиб, 63-66-моддалар оилавий-хуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддада хотин-қизлар ва эркеклар тенг хуқуқлидирлар, деган қоида белгиланган.

Асосий қонунда «Оила»га махсус боб ажратилиб жуда турги иш қилинган, чунки илгариги Конституцияларда никоҳ ва оилага оид қоидалар ҳар ҳил болларда берилиб келинган бўлиб, бу эса ундан фойдаланишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқарган. Шунингдек, бобнинг «Жамият ва шахс» бўлишида берилиши ҳам айни муқоада, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир.

Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга». Ҳозирги вақтда Республикада 23 миллиондан ортиқ аҳоли, 4 миллиондан зиёд оила мавжуддир. Бунга ҳар йили 250 минг янги оила қўшилиб бормоқда. Оила жамиятнинг бир бўлагини ташкил этади. Жамият қатга-кичик бўлақчалар — оилалардан иборат. Бу бўлақчалар қанчалик мустақкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустақкам бўлади.

Республика Конституцияси 63-моддасининг 2-қисмига биноан, «Никоҳ томонларнинг ихтиёрий, розилиги ва тенг хуқуқлигига асосланади». Жамиятда оила қуришнинг бирдан-бир асоси никоҳдир. Туркий халқларда қадим замонлардан никоҳ масаласига жамиятда алоҳида эътибор берилган. Умуман никоҳ қадим даврлардан туркий халқлар ҳаётида инсоний покликка, насл тозаллигига хизмат қилган. Оила қуриб узидан сунг зурриёт қолдиришнинг ягона, бирдан-бир вазираси шаръий никоҳ орқали ҳуфт бўлиб диққатқилдир.

Президент Ислам Каримов жамиятнинг асоси бўлган оилага алоҳида эътибор бериб шундай эълоди: «Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти — жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Узбекистонда никоҳдан утинч даражаси юқори ва энг муҳими, оилаларнинг бўзилиши

Конституциянинг 5 йиллигига

дунё буйича энг паст даража. Оила — бизнинг халқимиз учун миллитнинг куп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган гоит муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир».

Узбекистон Республикаси Конституцияси ота-оналар ва фарзандлар уртасидаги хуқуқ ва мажбуриятлар масаласига ҳам алоҳида аҳамият берган. Асосий қонуннинг 65-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарининг насл-насибидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ота-она ва фарзандлар уртасидаги хуқуқий муносабатларга асосан, боланинг ушбу ота ва онадан

лат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва уқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Асосий қонуннинг 66-моддасига кура, вояга етган, меҳнатга лаяқатли фарзандлар уз ота-оналари ҳақида гамхурлик қилишга, уларга маънавий ва моддий ёрдам беришга ҳамда кумаклашшга мажбурдирлар. Улар турмушдан хабардор бўлиб, сыхат-саломатлигига катта эътибор беришлари керак.

Агар ота-оналар болалар олдида уз ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан буйин товлаганликлари суд томонидан аниқланган тақдирда, болалар уларининг бундай ота-оналарини таъминлаш мажбуриятинан озод қилинишлари мумкин.

Шу кунларда эса Олий Мажлис кумиталарида кун талабларига тула жавоб берадиган, умуминсоний қадриятлар ва мамлакат аҳолисининг миллий анъана ва урф-одатларини ифода этган халқор нормалар талабларига жавоб берадиган Оила коллексининг янги лойиҳаси яратилмоқда.

Фозил ОТАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган юрист

**КОНСТИТУЦИЯ
ВА ОИЛА**

вужудга келганлиги қонун билан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

Узаро никоҳда бўлган ота ва она туғилишни қайд этиш дафтарига улардан бирининг берган аризасига биноан боланинг ота-онаси деб эътилади (Ўзбекистон Республикасининг «Никоҳ ва оила» Кодексининг 70-моддаси I-банди).

Агар бола никоҳсиз туғилиб, отаси уни ихтиёрий тан олса, боланинг насаби отаси ва опасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини эиш органига биргаликда берган аризаларига асосан эътилади. Бундай аризага асосан боланинг отаси туррисидаги ёзув туғилишни қайд этиш дафтарига ҳам эътилади.

Конституциянинг 64-моддасига биноан, ота-оналар уз фарзандларини вояга етгуналарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Ота-оналар уларининг вояга етмаган болаларига нисбатан тенг хуқуқ ва мажбуриятга эгалдирлар. Амалдаги қонун ҳужжатларида болалар билан бўлган хуқуқий муносабатларда ота ёки онанинг устунлик хуқуқи йуқдир. Конституция 64-моддасининг 2-қисмига биноан, дав-



АЁЛЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

- Бир хотин эрининг руҳсатисиз уйдан чиқса, уйга қайтгунча ёки эрининг ризосини олгунча, Оллоҳ Таолонинг ғазабида бўлади.
- Оллоҳ Таолонинг оғизда бандалари бўлган хотинларни уриш эркак кишининг иши эмас.
- Хотиннинг эл олдидаги ҳақлари: хотин туя устида бўлса ҳам эр хизматига монелик қилмаслиги, фарз рузасидан бошқаларни эрининг руҳсатисиз тутмаслиги лозим. Агар тутса, рузаси қабул қилинмас, узи гуноҳкор бўлур. Эрининг руҳсатисиз уйдан бир нарса бермас. Агар берса, савоби эрга бўлиб, узи гуноҳкор бўлур. Эри золим бўлса ҳам, эрининг руҳсатисиз уйдан чиқиб юрмаслиги керак. Агар юрса, бу ишдан қайтмаса, Оллоҳ Таоло

- ва фаришталар ғазабига учрар.
 - Гузаллиги ила мадҳ этилувчи хотин гузал эмас, балки тарбияли хотин гузалдир.
 - Хотинларнинг жилмайиб кулишлари нақадар ёқимли бўлса, қийқириб кулмоқлари шу қадар ёқимсиз.
 - Эрларнинг уйда утирмоқлари, хотинларнинг кучада юрмоқлари фақирлик келтирувчи омиллардандир.
 - Инсонларнинг саодатлари ахлу-аёллари олдидадир.
 - Болаларини қуриб оналарининг илму одобини, иймону онгини англайсиз.
 - Бир хотиннинг бойлиги, эрининг муҳаббатидир.
- Зулфия АҲМАДНАЗАРОВА тайёрлади**

**ДУНЁДА
БОЛАМ ДЕБ
ЯШАЙДИ ЎЗБЕК**

Ардоғимиздаги
миллат

Шарқда азал-азалдан оила, оилавий тарбияга жуда катта эътибор бериб келинган. Чунки дунёга келган ҳар бир фарзанд мана шу маконда тетапоя бўлади, дунё ҳақида тунунчалар ҳосил қилади, ахлоқ ва маърифат нима эканлигини шу муҳитда англаб етади.

Ҳар бир кунга — бир дунё. Ҳар бир оила ўзига хос бир мамлакатга ўхшайди.

Яқин ўтмишда оила тузилиши, шарқона ахлоқий тарбияга пунтур етганини ҳеч кимга сир эмас. Йўқотиладан нарсалар азиз бўлади. Ҳўш, биз нималардан жудо бўлдик? Қандай азиз урф-одатларимиз таназзулга учради? Биз бугун нималарни тиклашимиз керак? Умуман, оила қандай бўлиши лозим?

Бугунги баҳсимиз худди шу мавзуда. Ҳар биринингиз бу борадаги фикр-мулоҳазангиз бизни жудо-жудо қизиқтиради. Шу маънода умид қиламизки, ҳеч ким бу баҳсдан четда турмайди.

Шарқда, хусусан бизда оила бағоят муқаддас саналади. Ўзбек азал-азалдан оилам, бола-чакам, деб яшайди. Узи смай боласига едиради, узи киймай жалгарбанлига кийдиради. Бу халқимизнинг жаҳон халқлари уртасидаги узига хослигини курсатиб турадиган хусусият.

Ҳўш, оиланинг миллий хусусияти яна нималарда куринади?

Биринчидан, бизда оиланинг шундай узига хос анъаналари мавжудки, уларга бутун жаҳон цивилизациясининг ютуғи сифатида қараш зарур. Бу анъаналар оёққа туриши, вояга етиши, турмуш қуриб янги оилани шакллантириши, орзу-хавас қуриши ва қариганда ёзюлда булишини таъминлайдиган оқилона тартиб қоида, улум-ақида, муайян қадриятлар асосида асрлар мобайнида шаклланиб, сайқал топиб келаяпти. Оила фақат ота-фаннинг фарзанд олдидаги бурч ва масъулиятларининггина эмас, балки фарзанднинг ота-она олдидаги бурч ва масъулиятларини ҳам ҳисобга олиб шаклланади. Узини англаган бирорта ўзбек ҳеч қачон кексайиб қолган ота-онасини таппаб қуймайди. Охири қафасигача уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туради, бирга яшайди.

Иккинчидан, бизда ҳар бир кишининг оиладаги бурчдорлик масъулиятлари шундай қатъий анъаналар асосида шаклланганки, буни чуқур идрок этиб, масаланинг моҳиятига яқинлаша борар эканмиз, қанчалар оқил бир халқнинг вакили эканлигимиздан фархланиб ҳам кетамиз. Оилада бобонинг, бувининг, отанинг, онанинг, утининг, кизининг, неваранинг уз вазифаси, урни, масъулияти, бурчи бор. Халқ шу хусусиятларини йўқотмай, асраб-авайлаб, такомиллаштириб келаятган эканми, демак, бунинг замирида жуда катта моҳият етибди. Биргина келин, унга муносабат, унга қуйиладиган талаблар, оилада ана шу бошқа хонадондан тушган инсонга ҳурматона муносабат билан боғлиқ анъаналаримизни эсласак ҳам, биз инсоний-маънавий муносабатларда қанчалар олдинлаб кетган бир халқ эканимизни теран англаймиз.

Учинчидан, оила бизда инсон табиатиға хос бўлган худбинликнинг енигининг асосий воситаси ҳисобланади. Худбинликни ениги эса умуминсоний маданиятнинг мезони саналади. Яъни одамларнинг маданиятлик даражаси унинг уз худбинлигини қанчалар енга олган-олмаганига қараб улланади. Айнан оилада кишининг жамият учун масъулияти, фақат узини уйлаб эмас, бошқалар учун ҳам меҳнат қилиши зарурлиги кунмақлари шакллана боради. Емай едираётган, киймай кийдираётган фарзанд, укасиға ердан бераётган ака, си-

нглисига қарашиб турган опа, қайнота-қайнонасининг иссиқ-совутидан кунда бохабар бўлиб турган келиндаги филойлик, ахир юксак инсонийлик белтиси эмасми?

Туртинчидан, оила одамлар уртасидаги меҳнат тақсимотини шакллантириб, бошқариб турадиган восита ҳам. Ҳар қандай оила — узига ҳрс бир меҳнат майдоли. Чунки инсоннинг яшаш учун фақат унинг ишқонасидаги меҳнати етарли эмас. Киши меҳнат қилишни, аввало, оиласида урганади. Бу борада ўзбек оиласининг шундай асрий анъаналари шаклланганки, куплар, очиги, оилаларга ана шу анъаналарга қанчалар амал қилинаётганига қараб баҳо берадилар ва бу жуда уридли. Олдийгина ергалаб туриб ҳовлини супуришлану ноношта тайёрлашдан тортиб туйларни утқашигача бўлган оилавий турмуш ташвишларини кимлар қай даражада бажарини буйича ҳам куп яхши анъаналаримиз бор.

Бешинчидан, бизда «Қўш уясида курганини қилади» ёки «Онасини қуриб қизини ол» деган халқ мақоллари борки, бу оила ҳар тарафлама тарбия учоғи эканини билдиради. Фарзандларини билимли-малакали, ақлли-хушли, одобли-маънавиятли, касб-ишунарли қилиб вояга етказишда оиланинг алоҳида урни бор. Ота-она касбини угил-қизларга ургатиш буйича ҳам яхши анъаналар шаклланган.

Олтинчидан, миллитнинг куп хусусиятлари айнан оилада ерки намоеб бўлади. Халқимизга хос ҳурмат-эҳтиром, сертавозеллик, меҳмондорчилик, ширин-суханлик, қатга-кичичка ҳурмат, қариндошлик қадриятлари, яхши қўшничилик муносабатларининг акаси оила шароитида шаклланади, намоен бўлади, такомиллаша боради.

Тан олиб айтиш керакки, биз ҳали ўзимизнинг оилага боғлиқ анъаналаримизни ҳар тарафлама тадқиқ этишга, уни жаҳон халқлари саҳнасида қиссан олиб таҳлил қилишга жиддий киршишганимиз йуқ. Чунки шуролар замонга бунга имкон ҳам бермас эди. Лекин ҳар қанча тескари тартибот ишлари олиб борилган бўлмасин, ўзбек халқи асрлар давомиде эришган оила хусусиятларини сақлаб қолди ва у бутун ўзбекнинг халқ сифатидаги кие-фасини яққол курсатиб турибди.

Оиланинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш, ургатиш, такомиллаштириш миллий истиқлол мафқураси вазифалари сирасига кирди ва бу ўзликни англаш сари ингилишларимизнинг таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Султопмурод ОЛИМ

Одатдаги иш кунларининг бирида тахририятга ийманибгина бир қиз кириб келди. У унгайсизлар, хаяжонлариди.

Кизгина रुपарамдаги стулга утириб улгурмасдан йиғлаб юборди, гарчи бундай воқеалар бизнинг соҳамизда кўп учраб турса ҳам бир муддат шошиб қолдим.

Сунг мен куйиб узатган чойдан бир хўшлаб, узини тугиб олгач, гап нимадалигини билмоқ илнжиди, «сузланг-чи, енгил тортарсиз, балки», дедим. Унинг гапларидан англашимча қизнинг исми Зебо, узи дорил-фунуннинг 3-курс талабаси экан. Зебо бағоят нозик ва чиройли эди.

— Опажон, бундан бир неча ой бурун мендан-да бахтиёр инсон бўлмаган десам, ишонаверинг. Узимдан ҳам, ўқийшдан ҳам мамнун эдим. Ҳозир эса мендан бахти қаро одам бўлмас керак...

Азиз муштарий! Келинг, яхшиис ушбу гапбода дилнинг изтироблари билан биргаликда танишайлик.

Зебо оиланинг кенжа фарзанди. Тиббиётга қизиқиб ойинига ухшаб «катта доктор» бўлмоқ ниятида ўқийшга келган. Олийгоҳда у энг аълочи ва фаол қизлардан бирига айланган. Ҳамма курсдошлари унга ҳавас қилишар, табиийки, баъзи йигитлар унинг муҳаббатини қозониш мақсадида узларни утга-чуққа уриб юришган. Аммо Зебо ўқийшдан бошқасини уйламасди. Очиги ҳали ҳеч ким қузига «олов»дек қуринмаган, қалбини жишлатмаганди.

Уқув йилининг ярми утиб, гуруҳларига янги талаба келади. Унинг исми Хуршид бўлиб,

келинган, яхши хулқу-одоби боис бошқалардан ажралиб турарди. Гуруҳ бошлиғи бўлган Зебо Хуршид билан бир неча марта ҳамсуҳбат бўлгач, юрагининг тубила унга нисбатан қандайдир илқлик пайдо бўла бошлаганини сезиб, иложи борича йигитдан узоқроқ юра бошлайди.

Йигитнинг ота-ониси йирик «бизнесчи»лардан бўлиб, узоқ-яқин шаҳарларга қатнаб пул топишаркан. Хуршид уйларида қолиб ўқир, турт нафар укала-



рига бош-қош булар, она-сингиллари йўқлиги боис уй-рузгор юмушларини узи бажараркан. У курсдошларининг дарсдан кейинги йиғинларига ҳам кўпда қўшилмасди.

Эзининг илк ойларида, талабалар имтиҳон ва синовларга тайёргарлик қуриб юрганида, мактабдан таътилга чиққан укаларини кишлоқдаги аммасиникига ташлаб келган Хуршид таҳсилдош йигит-қизларни тугилган кунига тақдиф қилади. Бу пайтга келиб эса Зебонинг қалбида муҳаббат учкунни гулханта айлана бошлаган, бироқ Хуршиднинг қаттиқ севиб қолганини узича тан олгиси келмасди.

Хуллас, Хуршид уз тугилган кунига бир-икки нафар қизларни, шу жумладан, Зебони ҳам уйига вақтлроқ бориб қара-

шишларини илтимос қилади. Кеча жуда зур утади. Имтиҳонлардан толиққан толиби илмлар чин кунгилдан уйнаб-кулишарди. Гурунг авжга чиқади. Ниҳоят талабалар тунги соат 2 лардан утганида бирин-сирин тарқалишарди. Хуршид ошхонада идиш-товоқ юваётган Зебони узим элтиб қўяман, у еқ бу еқни йиғиштиришга қарашиб юборинг, деб уйда олиб қолади.

Зиефатда ичилган шампан vinosи таъсирида кайфлари чоғ бўлинига қарамай, Хуршид ич-

роқлик йўли билан олиб ташлаш кишини бир умрга бепушт қилиб қўйиши мумкинлигини айтишгани хусусида унга гапириб беради.

Бироқ Хуршиднинг мунгли кузлари унсиз йиғлайди. Зебо ҳам ҳозирча уйланиш ҳақида гапириб беҳуда эканлигини англайди. Хуршид уни ҳар курганида «Оз қолди, суд бўлсин, кейин ҳаммаси ҳал бўлади», — деб таскин берар, Зебо бундан бироз бўлса-да таскин топарди.

Шундай кунларнинг бирида

карига кириб яна иккита фузжери тўдириб шампан куйиб чиқари. Оқибат Зебо шу оқшом Хуршиднинг уйда қолиб кетад...

Ез утиб, таътилар тугаб шаҳарга қайтишганида, Зебонинг ҳомиласи анчагина сезилиб қолганди. Ич-этини еб юрган Зебо бир кун бу ҳақда Хуршидга суз очади... Таасуфки, Хуршиддан ҳеч қандай таскин ва тасадди эшитмайди. Бунинг урнига у оиласида тинчлик йўқлигини ота-ониси Россияда қўлга тушиб қамалишганини айтади. Уйдаги бор-бўдларини сотиб, барча-қариндош уруғлари билан уларни қутқариш пайида юришганидан зорланади... Зебо врачларга учрашгани, ҳомилани олиб ташлашга кеч бўлганлигини, буни-нг устига илк ҳомилани жар-

Хуршид машъум хабар эшитилади. Қамоқхонада касалга чалинган онаси оламдан ўтибди. Отаси узоқ муддатга қамалибди. Энди у уйда кўнгли ярим укаларини, бир олам ташвиш билан қолибди. Қарз берганлар қарзларини қистайверишгач, мапинасини ҳам сотишибди. Уқийшга ҳам бормай, заводга ишга кирибди. Кечқурунлари аэропорлда ҳаммолик қилаётганмиш...

— Хуршид мендан узини олиб қочгани йўқ. Қулидан келганича ҳамларлик қилади. Бошига шундай ташвишлар тушиб қолмаганида, балки ҳозир биздан бахтли инсон бўлмасди. Биласизми, опажон, унга ниҳоятда урганиб қолган эканман. Таҳсида келганимизда у доимо «нима егинг келади, нима ичи-

АЖРИМИ ЯРАТГАНГА ҲАВОЛА...

Қамашида Турсунбой деган дустим бор. Шу дустим бундан бир ярим йил муқаддам Абдуҳалим Абдуллаев деган ошниси билан бизникида меҳмон бўлиб кетганди.

Ушанда Турсунбой кун буйи нашриётларда юриб чоң эгилажак навбатдаги китоби билан овора бўлди. Унинг дусту Абдуҳалимнинг касби қассоб бўлганиданми мол ва тушт бозорлари билан танишиб келди. Абдуҳалим аслида қулдан буен Қашқардан Ташкентга қорамол, от, қўйлар олиб келиб сотар экан. Суҳбатимиз орасида у «Ака, шу атрафда жой бўлса, олиб келган молларини сўйиб сотардим — деди. Мен жой масаласини суриштириб куришимни айтиб улар билан хайрлашдим.

Бир ҳафтадан сунг ярим кечаси «КамАЗ»да эллик олгита қуй ортиб Абдуҳалим келди. Хуллас, Абдуҳалим қўйларини тез кунда «тинчтиб», орадан икки ҳафта утгач, яна бошқа «КамАЗ»да иккита от, янгилишмасам 8 та қорамол олиб келиб тириклайин «Куктерак» мол бозорида сотди. Ушанда 1996 йил 24 октябр эди. У баъзиларга қандай мол керак бўлса олиб келиб беришини айтибди. Шунда акахонларимиздан бири битта от учун ун минг сум берди. Пуни олган Абдуҳалим 2—3 кунда келишини айтди. Орадан ҳафта, ойлар ва ҳатто йил ҳам утиб кетди, аммо отдан ҳам, отфурушдан ҳам дарак йўқ.

Ҳар сафар от учун ун минг сум бериб юборган акам билан рубару

бўлганимда, улар ҳам, мен ҳам ноқулай аҳволга тушиб қоламиз. Нета десангиз улардан олган пулни Абдуҳалимга мен санаб берганим.

Қуръони каримнинг «Иброҳим» сурасидаги 38-оятда «Парвардигор, албатта сен бизлар яширган нарсани ҳам, ошқор қилган нарсани ҳам билурсан. Оллоҳ учун еру-осмондаги бирор нарса махфий эмасдир», — дейилади.

Абдуҳалим ҳам мусулмон фарзанди, бола-чақалари бор, бир кун келиб қолар, деб сабр қилиб юрвердим-да бундан уч ой олдин дустим Турсунбойнинг менга кўнги-роқ қилишини сураб телеграмма жунатдим. Турсунбой яна мен йўгимда телефон қилиб, 20 сентябр (1997 йил) кунин Абдуҳалим от олиб келишини айтибди. Курсатилган сана ҳам утди, аммо Абдуҳалим келмади.

Мен, Қуръони каримни ўқиб чиққанымдан сунг икки ургата Турсунбой Боймировдек яхши дустимдан ажралиб қолишдан кура, бу ишни елгиз Оллоҳга ташлаб қўйишни афзал қурдим. Қодир Оллоҳ ҳар нарсадан хабардор. Келинг, яхшиис Абдуҳалимга муқофотни ҳам, ажримни ҳам Оллоҳнинг узи бера қолсин.

Саидмурод САИДАҲМАД

Оқибат

ТҲЙДАН КЕЙИНГИ ТОМОША

Кўзгудаги ўзимиз

Туй ярим тунда тугади. Ҳовли саҳни тўзгуб қолди. Хали меваси пишмаган анор новдалари синган. Бадмастлар ағанаб экинларни пайҳон қилинган. Дошқозонлар овақ қолдиқлари билан тула. Базм утказилган жойда эса бутун ва бурда нонлар сочилиб ётарди. Туй тарқаганига бир соат бўлганига қарамай, отарчилар хонадонни тарк этишмаган, уй соҳиби билан ниманидир ҳал этолмай тортишшарди. Одоби-сизлик бўлса-да, яқинроқ бориб қўлоқ тутдим.

— Ака, одамда лафз бўлиши керак, хизматни қилдик, энди ҳақимизни беринг, кетайлик. Ахир биз ҳам бориб дам олишимиз керак.

— Жон ука, шу ҳафтанинг охиригача сабр қил, мол-ҳолимни сотай, бераманда шу — 15—20 минг пулингни. Ҳозир ялғизим йўқ, — дея уй эгаси отарчиларнинг каттасига ялинарди.

Улар ҳам нуқул насияга хизмат қилиш жонларига текканини пеш қилишарди. Охири туй эгасига уч кун муҳлат бериб, нозори кайфиятда тарқалишди. Таасуфки, келиннинг чимилдикли хонасида навбатдаги маш-маша кутиб турган экан.

— Ҳайронман, ўзимизнинг кийимлар қақиб оларканми? — дерди куевнинг онаси аламзада оҳангда.

Келинчак эса, ҳае-ибони йиғиштириганича қайнонаси билан қирқ йиллик дутонасидек бемалол талашиб-торти-

шарди. — Ҳалиям арзонидан тоқдим. Бошқа жойларда фаталарни «ижара»га икки ярим, уч минг сумга беришади...

Хуллас, келин бола туй қатнашчиларининг ҳавасини келтириш учун кўп бор кийилган, соябони кенг шлалали ҳарир фатани икки минг сумга «ижара»га олган, кув томон эса мазкур насия савдодан беҳабар бўлишган. Куев томон фата эгасидан икки-уч кун сабр қилишини илтимос қиларди. «Ижара»га берувчи эса тезкор ҳисоб-китобни талаб этар, бошқа мижозга ваъда берганлигини айттаркан, «ижара» ҳақининг фоииз «туғиши»ни эслатиб мижозларига пуниса қиларди. Қайнона, қайнотадан ийманиш лозимлиги ўқтирилмаган бедаб келиннинг сабр косаси тулди шекилли, унинг чимилдик ортидан куев болага қарата айтаётган ғазабнок сузлари эшитилди.

— Бунчалар паст кетишинингизни билганимда сизга улсам ҳам тегмаган бўлардим. Умрингизда бир марта уйланаётган бўлсангиз, тулангда ахир, оламини қон қилмасдан!..

Сунгги пайтларда, айниқса юқоридаги сингари сохта меҳмондорчиликлару, камбағал кишининг қулдоғига қарзга ботириб қўядиган дабдалли тўйлар беҳад қўлайиб кетаётганлиги кишини таажжубга солади.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД, Термиз шахри

ГУМБАЗ ИЧИДАГИ НОЛА

Изтироб

Мен, онам, синглим 1975 йилда Тошкент вилоятининг узоқ туманларидан бирига, دادамнинг ошнасаникига меҳмонга бордик. Биз меҳмоннинг қизлари билан тезда дўстлашиб кетдик. У кишининг Бердикул деган ўғли ҳам бор эди. Кейинчалик хатлар ҳам ёзишиб турдик. Уларнинг ховлилари этагида катта шафтолизор боғ буларди. Оралдан шунча йиллар утган бўлса-да, шу шафтолизорга кирганимизда Бердикул ака менга энг сара шафтолиларни узиб берганлари ҳамон эсимда. Ҳаётимнинг энг гузал онлари уша дамлар бўлган десам, хато қилмайман. Биз бир-биримиз билан қанчалик тез танишган бўлсак, бу жараён шунчалик тез барҳам топти.

Икки йил ичида Бердикул ака опа ва синглилари билан бизникига бир неча бор келди. Ҳатто, аскарликка жўнашидан олдин ҳам келиб хайрлашди. Кейинчалик хат ёзишиб турдик. Бир тал менга ёзган хати дамдамга гулб қолиб, у кишидан роса сукиш эшитганман. Бизнинг буйсира киз болалик давримизни тасаввур қилиб куриш! (1977-78 йиллар). У кезларда қизлар бир-биридан бирор нарсани сўраса ҳам

боши балога қоларди.

Кейинчалик урта мактабни битирдим, ўқипими ҳам тугатиб, ишлай бошладим. Бу йиллар оралиғида Бердикул акани эсламадим, десам, албатта мунофиқлик бўлади. Кўп бор эслаб, анчайин йиғлаганман. Шу асно уйимизга совчилар кела бошладим.

Тақдир тақозоси билан Шодиёр деган йигитга турмушга чиқдим. Уша кунга ҳали ҳам лаънатлар ўқийман. Умримнинг охириг дамларига уша кунни қарғаб утсам керак. Шодиёрнинг қилган номардликлари, хиёнатларини эсласам, қандай қилиб умрим шу инсон билан ўтаётганига ақлим етмайди. Оғир хасталиқдан сўнг — 1983 йили тутилган илк фарзандимиз пешонамизга сизмаган экан, нобуд бўлди. Ота бўлиб ўз фарзандини эъзозлаб ерга қўелмади. Худонинг газабига учраган инсон, деб шунақаларни айтишса керак-да. Кейин ораимизга совуқчилик тушиб, бирга яшамай қўйдик. Утган олти ой ичида эрим билан расман ажрашма-

ган бўлсам ҳам кўпгина кишилар қўлимни сураб келишди.

Дамнинг жаҳллари чиқиб «Эринг билан ярашасан!» — деб қўйганлар, узи ҳам «энди ярашаман», — деб кечирим сураб юрарди. Яна бирга яшай бошладик. Иккинчи фарзандим — Исматим, 1986 йилда эса Ҳикматим туғилди. Кейин менга ҳеч нарса керакмасдай бўлиб қолди. Куним фақат пуларни уйлаб утарди. Шодиёрнинг бор-йўқлиги билан ҳам қизиқмасдим. Олдинлари уйга келмай қолса, жанжал қилардим. Кейин умуман эътибор бермай қўйдим. Авваллари ҳам рус аёллари билан юрарди. Бир кун унинг ипхонасида бунга гувоҳ бўлганман. Шу боис эримдан юз утиргандим. Мана, 7 йилдан ояпятики, битта уйда яшаб фақат болалар ҳақида бирор гап бўлса гапашамиз, акс ҳолда баъзан ойлаб ҳам гапашмай юраверамиз.

1977 йилнинг апрел ойи эди. Ипхонада угирсам, телефон жиринглади, дастакни олсам, бир киши рус тилида: «Менга Мама-солиева Жаннатни чақириб беринг», — деб қолди. Мен «эшитаман» дедим. «Мени танидингми?» — деди телефондаги овоз. 1975 йилда Ховос посёлкасида учрашганмиз-ку!

Қандай аҳволга тушганимни билмай қолдим. Битиб булган дил жароҳатим яна янгиланди. Кейин эса у кишига менга бошқа телефон қилманг, деб айтдим. Чунки у билан учрашсам узимга қийин бўлишини аниқ билгандим.

Ишхонадаги қизларга қайта-қайта телефон қилиб, бир бор кўнгирак қилишимни ўтишиб сўрагани боис ноилоҳ унга сим қоқдим. У иш билан шаҳримизга келган экан, учрашимизга ни сўради. Мен рад этдим. У «Сенинг номингдан мени роса ёмон қўришингни билдирувчи

хат олганман, ҳақиқатан ҳам шунин сен ёзганмидинг?» — деб сўради. Мен «йўқ» дедим. «Бўлмаса, қўзимга тик боқиб шу гапингни қайтарасан», деди. У билан онамнинг уйда учрашишга розилик бердим.

Ушанга «Нима булар экан? У қанақа одам узи?! Тугри қилаяманми?» — деган уй-хаёллар исканжасида туни билан ухламай чиқдим.

Эртаси кун соат 12.00ларда онамникига боряпман-у, оёқларим юрмаётгандек, юрагимга қўрқувми-севинчми, алақандай туйғулар ором бермайди. Соат 13.00да у киши келди. Олдинги Бердикул акадан заррача асар қолмаган. Ҳатто юз тузилишигача узғариб кетган. «Бирон жойда қуриб қолсам танимаган булардим», — деб узига айтдим. Гаплашиб утирдик. Хат тургисида онамга айтган эдим. Онам шу хусусда гап очдилар. У бўлса шу хатни олганидан кейин жуда қийин аҳволга тушиб, ҳатто узини отиб қўйганини айтди. Ҳа, менинг-да умримга зомин булган хат, она Ватанидан йироқда ҳарбий бурчини ўтаётган инсоннинг юрагини ларзага солмайди-ми? У уйлангандан кейин ҳам умр йўлдошини бир йилгача ме-

нинг номим билан чақириб юрагини эшитганимда, ўз-ўзимдан нафратланиб кетдим.

Алқиса у чиқиб кетди. Мен эса минг бир изтироб ичра танҳо қолдим. Шу онда шoirа Увайсийнинг анон ҳақида ёзган турғлиги беҳтиёр дилимдан тилмига кучди:

«Бу на гумбаздир, эшиги, туйнугидан йўқ нишон,

Неча гулгун, пок қизлар манзил айлабдур-макон.

Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар,

Юзларига парда тортуғлик турарлар, бағри қон».

Уша «бағри қон» — менман. Ҳа, борар йўлим, қайтар йўлим ҳам йўқ. Бироқ азбаройи бола-ларим ҳақиқ-хурмати яшайман.

Хурматли тахририят!

Мен дилдаги ҳасрату изтиробларимни оқ қозоғга тўкиб солдим. Истагим шулки, ушбу наломатим Бердикул акамга ҳам бориб етсин...

Асло ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қиластганим йўқ. Илло, ҳамма ҳаминша омон бўлсин...

Қамина эса «гумбаз» ичида қолиб кетган бағри хунман...

Мактубини Асқар РАҲМОН тайёрлади



Соғинч...

ҚўЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Касалликнинг хуружи қаттиқ тугди. Оғриқ зурайгандан зурайиб борди. Вужуду бадаим азобдан титраб қақшарди. Азбаройи дардини кучлилигидан ҳушимдан кетиб ҳам қолибман. Кейин эса...

...Уша кунни мени хўпсиз ҳолатда Гулистон шаҳридаги вилоят шифохонасига ётқизишди. Сунгра жарроҳлик столидан жой олибман. Ниҳоятда мураккаб ва оғир операциядан сошпа-соғ чиққанамиз-да, э-хўпшим узимда эмасди. Кейин билсам, ун икки бармоқли ичагимнинг шикастланган қисмини кесиб ташла-шибди. Шу тариқа соғлимни сақлаб қолинган экан.

Мен шифохонанинг биринчи жарроҳлик бўлими бошлиғи, олий тоифадаги жарроҳ Алиқон Яриевни узимнинг халоскорим деб биламан. Бир умр у кишидан миннатдорман. Илоҳим, ҳеч қачон қўлингиз дард кўрмасин. Фарзандларингиз камолини куриб, соғ-саломат юринг! Эл-юрт саломатлиги йўлидаги эзгу-нишларингизга омад ёр бўлсин!

Эркин ЖУМАНОВ,
Даштобод шахри

БОЛАЛАРГА КЎРСАТИНГ ҲИММАТ!

— Мен ҳаётда ҳам, ижодда ҳам аёллардан ҳаминша миннатдорман. Тўғри, улар баъзан қалбимга озор етказишди, лекин кўпинча шодлик баҳиш этишди. Буларни турли йилларда шеърларимда акс эттиришга уринганман. Аёл — инсониятнинг тарбиялаётган она, — деган эди Болқор халқ шoirи Қайсин Қулиев.

— Қайсин Қулиев китобларини ўқиганда киши унинг шеърларига мафтун бўлиб қолади, шoirнинг шахсан ўзи билан танишлар эса унинг меҳри, одамийлигига мафтун бўлиб юрадлар, — деб ёзганда Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия.

Муҳтарам шoirамиз таъкидлаганларидой, юртдошларимиз ҳам Қайсин Қулиев шеърларининг мафтунидир. Унинг шеърлари шoirларимиз томонидан мунтазам равишда ўзбек тилига ўгирилаётгани, она тилимизда шoirнинг «Гул ва ханжар», «Кўзларингни севаман» деб номланган китоблари босилиб чиққани фикримиз тасдиғидир.

Қабарда-Болқор мухтор Республикасидаги Чегем туманининг чекка қишлоғида туғилган ва бир умр шу ўлкада ижод қилган Қайсин Қулиев асарларини жумлаи жаҳон тан олди. Ахир, унинг ҳаёт, табиат, инсон, Ватан, миллат, Озодлик, меҳнат, муҳаббат ҳақидаги асарлари барча халқлар учун яқин мавзулардир. Айниқса, шoirнинг инсониятнинг онаси бўлган аёллар, келажакимиз — болалар тўғрисидаги шеърлари инсон қалбидаги муқаддас туйғулардан сўз очди.

Шу кунларда XX асрнинг буюк шoirларидан бири Қайсин Қулиев таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Биз шoir хотирасини ёдлаш ва мухлис-ларини шод этиш мақсадида унинг шеърларидан намуналар чоп қилаяймиз.

Бизни гап майитга тўйдирди қисмат,
Ҳаёт, сендан шунин сурайман будам:
«Болаларимизга кўрсатгин Ҳиммат,
Кўз унгимизда ҳам, биздан кейин ҳам».

Улар тортмасинлар алам захрини,
Кўз унгимизда ҳам, биздан кейин ҳам.

Евузлик бор экан ёрут жаҳонда,
Сен ўзинг уларни асра ҳар нафас.
Болалар ухласа қай хонадонда,
Уни утда ёқма, етказма шикаст.

Агар сузлар билан ушалса ният,
Ҳаёт, сендан шунин сурай дамо дам:
«Болаларга бахт бер, қўллагин фақат,
Кўз унгимизда ҳам, биздан кейин ҳам».

Менинг ва кўпнингнинг болаларини,
Ўзинг Ҳимоя қил хавф-хатарли дам.

Ҳаёт, утинчим бор, меҳри олам бул,
Сабрли бул унга, соҳиб қарам бул.

Ўзинг асра уни, ўзинг мадад бер,
Кетмас саодат бер, завқу лаззат бер,
Юракдан суйганим уша аёлга.

Ёқтирган ишидан уни кеткизма,
Нозик миқозига озор еткизма,
Бевақт мангалайга туширма ажини,
Билдир қайлайдир дуст, қайлайдир ганим,

Юракдан суйганим уша аёлга.
Оққуш билаклигим, қадди шамшодим,
Ёмон назарлардан сақлагин доим.
Унга йўлиқтирма хасталиқни ҳам,
Узоқ йўлдан бошла кексалиқни ҳам,
Юракдан суйганим уша аёлга.

Дунёда елма-ён қувонч ва қулфат,
Яқинни ёндоштир, ёмонни четлат.
Эзгу ният билан ишласин шодон,
Чексиз, чегарасиз инъом эт имкон,
Юракдан суйганим уша аёлга.

Яқинлашган чоғда борар манзилим,
Орзу-армонларим эзмасин дилим.
Сендан суровим шу: сунти дам

қадар,
Ишқим оташини сундирма магар,
Юракдан суйганим уша аёлга.

Ҳаёт, қартайганда бизга панд берма,
Фарзанди доғида уни куйдирма,
Улим ҳақ! Қазонин узимга жунат,
Мендан утиб ажал бормасин фақат,
Юракдан суйганим уша аёлга.

Асрор МЎМИН таржимаси

Акс садо

ТЎҒРИ ҚИЛИБДИ

Газетанинг 46-сонидаги «Тилло занжирга айлангирди» номли мақолани ўқиб, икки қиз чиқариб, икки ўғилни уйлаган, ҳаётда анча-мунча тажриба орттирган инсон сифатида ўз мулоҳазаларим билан уртоқлашиш истағи туғилди. Ешларимизнинг бутунги кунда уйлаб топаётган орзулари бир олам. Бу орзулар айниқса туй олдида кўпроқ буйи кўрсатиб қолади. Лекин «Бели оғримаганининг нон ёйишини курс», деганларидек фарзандларимиз кўп-пинча харажатлар, кетадиган пул ҳақида уйлаб-майдилар. Ана шундай серчиқим талбирлардан бири ЗАГС утиришдир. Қишлоқларда қандай билмадимиз, лекин шаҳарда ана шу базмга ихчамроқ тўйнинг харажати кетади. Дилдорахон ЗАГС утиришдан воз кечиб тўғри қилибди. Тилло занжир фақат тақинчоқ эмас, балки улмас-йитмас сармоа ҳамдир. Зарурад туғилганда сотиб, пулини иллагитиш мумкин. Қолаверса, келажакда узлари ҳам утил уйлаб, келин туширганларидой Дилдорахон келиннинг буйиғига шу занжирни тақиб қўйса ҳам тасанно айтса керак. Ахир момоларимизнинг зирак, узук, билгазуқ каби зийнат буюмлари шу тарзда авлоддан авлодга утиб келган-ку! Шунинг учун мен Дилдорахонни узоқни кўзлаган қиз экан, деб биламан. Қани энди бошқа қизлар ҳам унга ухшаган бўлишса.

Абдулла ТОЛИБ ўғли,
Тошкент шахри,
Жангоҳ маҳалласи



ИШСИЗ ДЕПУТАТЛАР

Гамбург шаҳри федерал йигини депутатлари Петер Кеммеркер ва Герхард Ташенбергер меҳнат бошқармасини судга берди...

СУЛТОННИНГ ЭРМАГИ

Дуне харитасида нуҳотлеккин, балки ундан ҳам кичикроқ жойни эгаллаган Бруней султони...

«ВОВУЛЛАМАНГ СУД КЕЛАЯТТИ»

Канадада салкам юз йилдан бери амал қилиб келаятган қонунга кура, итлар турли жиноятлари учун суд қилиниши мумкин...

АЙТИШЛАРИЧА...

«Профил» журналининг езишча, яқин вақтларга хавфсизлик кенгаши котибининг уринбосари лавозимида ишлаган Борис Березовский Россияда энг бадавлат киши экан...

ОДАМ — АМФИБИЯ

Ялтада истиқомат қилувчи Игор Нерсесянини дўстлари «Одам-амфибия» — Ихтиандр, деб аташди...

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.



Севимли синглимиз ЗУЛФИЯХОН!

11 декабр — таваллуд кунинг, яъни навқирон 23 ёшинг билан табриклаймиз...

оила аъзоларинг номидан аканг Бахтиёр



Олимпиадининг қажғи малikasи Дилнозагон Ифкон қизи НАЗАРОВА!

Илоҳо, интиқлик билан кутган 7 ёшингиз Сизга олам-олам қувонч ҳадя қилсин!

Омонингиз мусаффо бўлсин! Отанг Икромжон, онанг Шаҳноза, буваңг Рустам ва буваларинг Насиба, Шохида

ФОЗИЛАХОН!

Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Яратгандан сенга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр сураймиз...

турмуш ўртоғинг Фахриддин, фарзандларингиз Фотима, Зуҳра ва Тоир



Бахтимизга соғ бўлиб, юз ёшда шушалоқ турсангиз, Кексаликнинг гапсини беранжу бегам сурсангиз, Ҳаётжоннинг фарзандлари бирла шодон юрсангиз...

Сафар ака ШАРИФОВ

узларининг муборак 45 ёшларини қарши олмақдалар. Отажон, сеvimли газетамизнинг оқ саҳифалари орқали сизга узининг бегубор, оқ тилакларини илҳор қиладиган фарзандларингизнинг табрикларини қабул қилгайсиз...

Фарзандларингиз номидан Ҳаётжон ва Махсадхон

Мутахассис билан суҳбат

САРИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ҚАНДАЙ ОЛСА БЎЛАДИ?

Акраб охирлаб қолди. Оёқ тағида хазонбарг шитирайди, кузакнинг илиқ кунлари ўрнини совуқ ҳарорат эгаллади...

Тошкент шаҳридаги 8-болалар юкуми касалликлари шифохонаси бош врачси Фариди Акбарова билан суҳбатимиз ана шу мавзуга қаратилган.

— Фариди опа, айтинг-чи, вирусли гепатит қандай касаллик? Нима учун баҳор ва куз ойларида авжга чиқади?

— Номидан кўришиб турибдикки, бу дард юкуми ва вируси жуда тез тарқайди. Уни турли кўринишдаги вируслар қақиради...

— Нима учун бу касаллик мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар ўртасида кўпроқ қайт этилади?

— Турги таъкилдинингиз, асосан вирусли гепатит «А» билан 3 ёшдан 14 ёшгача болалар кўпроқ касалланидилар. Чунки улар мактабда, боғчада, куча-куйда бир-бирлари билан мулоқотда буладилар...

Бу эса касаллик юқиши учун жуда қул келади. — Болада касалликнинг дастлабки аломатлари қандай сезилади? — Агар фарзандингиз ҳолсизланиб, жалеб ётгиси келаверса, баъзан иситмаси кутарибса, иштаҳасиз овқатланса, кунгли айниб, қайд қилса, қорни оғришидан шикоят қилса бу унинг сариқ касаллигига учраганидан далолатдир.

Юқорида айтиб утганларим касалликнинг сариқликкача бўлган даврида кузатилади. Ундан сўнг боланинг кўз ичи шиллиқ қаватлари, териси аста-секин сарғая бошлайди...

— Қандай қилиб касалликнинг олдини олиш мумкин? — Қайд қилиб утганимиздек, вирусли гепатит «А» санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаган ҳолдагина юкади. Шу боис ота-оналар болалар тарбиясида озодалликка жуда катта эътибор беришлари лозим...

Болада касалликнинг илк аломатлари сезилиши билан уни алоҳида хонага ётқизиб, идиш товоғини ажратиб қуйиш, оиладаги бошқа аъзолар билан мулоқотини тухтатиш, айникас, шифокор келиб тапхис қуймагунча, боғчага, кучага чиқармай туриш лозим...

Хулқар ТҲИМАНОВА суҳбатлашди

Advertisement for 'Sirlin Odam' (Sirlin Odam) featuring a logo and text about health products and services.

Турмуш чорраҳаларида

Суннатулла Маматқудов деган уқитувчи дустим бор. У билан институтда бирга уқитганмиз. Шу дустим қайнона-келин муносабатлари бобинда бир воқеани айтиб берди. Бир ошнасининг онаси келини билан сира чиқиша олмас экан. Уртада қолган ўғил она билан келин уртасидаги муносабатларни яхшилаш йулларини ахтараркан.

Келин пиширган овқатини қайнона емайди, қайнона дамлаган чойни келин ичмайди.

ЧАРХПАЛАК

Хуллас, бу можарога маҳалла оқсоқоллари аралашиб, қайнона — келини бир-бирдан булак қилиш керак, деган фикрга келишибди. Шундай қилиб ҳовли иккига бўлинади. Булинади-ю, ёлғиз ўғилнинг ҳам кунлиги бўлинади. Аммо у ота-онасини қургани чиққанида, онаси яна дийдени бошлайди:

— Хотинингни қуйиб юбормасанг, у дунёю бу дунё сендан розимасман!

Ота уртага тушади:

— Ўғлим, мен ҳам сенинг

ёшингда худди шу қуйга тушган эдим. Болаларнинг уйла, узинга қара, дейман холос.

Ниҳоят, ўғил онаси билан хотинини муросага келтира олмаслигига ишонганч, алампдан ичкиликка ружу қуяди. Ва бор-бора тушпа-тузук ишлаб турган корхонасидан ҳайдалади. Кейин бошқа жойларга ишга кирмоқчи бўлса, «пийаниста» дейишиб, қайтаришди.

Қурибсизки, гулдек йигит хазон бўла бошлайди. Оқибат, бу азобларга уз жонига қасд қилиш орқали барҳам бермоқчи бўлади. Шундай қилади ҳам.

Кейин боласига қуйган она қисқа муддатда оламдан утади. Келин эса руҳий касалликка чалинади.

Тавба! тавба! Кайноналарга инсоф бер, келинларга сабр-тоқат, фарзандларга ақл-идрок.

С. САИДМУРОД

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Азият

Етти-саккиз ешларда бўлсам керак, бувам тез-тез хасталанадиган бўлиб қолдилар. Пустилларига кириб, енбошларига суқилиб утирдим. Бир кунни онами чақирдилар. Опам — бош келин (дидам вафот этган, амакларим ҳали усмир йигитлар) эди.

— Болам, туркмановулга йигитлигимизда бориб, бир кишининг тегиригига харидор бўлиб, лекин эгасини рози қилмай қайтгандик. Энди сафарим қариб турибди. Бировнинг ҳақи билан Тургининг олдига боролмайман. Туркмановулга бориб, уша тегиригидан олдинки одамнинг ўғлини — қизинини топиб келсанг...

Сунг уша тегиригидан олдинки кишининг манзилни узоқ тушунтирдилар.

...Кимдир туркмановулга бориб Мамат деган серсоқол, басавлат кишини уйимизга бошлаб келди. Бувам раҳматли останаизга қора қўчқорни боғлатиб қуйганиди. Меҳмонга қўчқорнинг арқонини ушлатиб.

— Рози будинг, ўғлим, — дедилар.

Уша киши уч марта

— Ешудли, розиман, розиман, — деб тақрорладилар.

Ҳай нймон-эътиқодли, диенат-

ли инсон доим бировнинг ҳақидан қурққанлар. Елгон турга чиққан, харому-ҳалол араланиб кетган Шуро замонасида «Бировнинг ҳақи» деган тушунчанинг қадри пасайиб кетган эди. Афсуски, биз бу тушунча масъулиятини тулатукис ҳис қила олмаётимиз.

— Қишлоғимиздан институтимизнинг сиртки бўлимида ўқийдиган қизлар қуп, — дея ҳикоя қилди бир дугонам. — Қиш урталарида биттадан опамга кук чой бериб юбордим. Опамнинг қон босимлари бор, қора чой ичмайдилар. «Албатта олиб бериб бераман!» — деб кетган эди. Яқинда опам билан кунгироқлашдим: «Чойингиз таом бўлмади, бемалол айтваринг, яна бериб юбораман», — десам опам ҳайрон бўдилар. Билдимки, ҳамқишлоғим чойни бермаган. Бировнинг ҳақидан қурқмаган-а, ешгина қиз...

Мен ҳам ҳаётимда бировнинг ҳақига хиенат қилган одамларни талайгина учратганман. Утган баҳор хориждан бир дустимиз кунгироқ қилиб, Тошкент тайёрагоҳига чиқиб туришимизни, самолёт бирон соатда Тошкентда бўлиб, бошқа шаҳарга учиб кетишини дийдор қуришажағимизни билдирди. Биз айтилган вақтда бориб

қутдик. Аммо самолёт келвермагач, уйга қайтдик. Самолёт тонга яқин келиб, уз йуналиши буйлаб учибди. Дустимиз болаларимизга совғалар олволган, Бобур' исмли тайёрагоҳ хизматчисига қолдирган экан. Биз дустимиз кунгироқидан сунг Бобурни ахтариб топдик. Аммо Бобур: «Мен ҳеч кимдан ҳеч нарса олганим йук», деб тонли.

Бу воқеадан узоқ таъсирланиб юрдим. Бизнинг Бобурларимиз шу қуйга тушибдими, деб алам қиларди.

Халқимизда «Бировнинг ҳақи буюрмайди», «Бировнинг ҳақи суриб кетади», «Бировнинг ҳақи тегиб чиқади», деган гаплар бор. Булар — ҳикмат, минг-минг йиллик синовлардан утган. Бир аёлини биламан, нуқул қўшнисининг уз ҳовлисига қайрилган энгоғини тегиб ерар. «Қушни ҳақи», дерди. Бир-икки марта апрофдагилар: «Эгасидан сураб олинг, эгаси норози бўлаяпти», деб гапирган ҳам. Аммо у кулоқ солмаган. Шу аёл ёмон бир бедаво дарлга чалинди. Умрини охирида: «Бировнинг ҳақи ошқозонимга яра бўлиб тушди», деб йиғлаганлари эсимда.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

НАПОЛЕОННИ РОМ ЭТГАН АЁЛ

Муҳаббат, сен гўзалсан

Бу ҳикоя Вест-Индиядаги балиқчилар қишлоғида туғилиб, маҳаллий шаҳар корхонаси яқинидаги ташлашдиқ хонадонларда ёч-яланғоч яшаган камбағал аёл ҳақида. Ана шу аёл вақти келиб дунёдаги энг машҳур кишилардан бирга турмушга чиқди.

Унинг исми шарифи Мария Жозефина Роза Ташер да Пажери бўлса-да, уни оддий қилиб Жозефина деб аташарди.

Жозефина Наполеондан олти еш катта эди. Улар эрдигина танишган кезларда Жозефина уттиз уч, Наполеон эса йигирма етти ешда эдилар. Унинг тишлари унқир-чунқир бўлиб, унчалик гўзал демаса ҳам бўлаверарди. Қарамоғида икки нафар гўлаги бўлган бу аёл жуда муҳтожликда яшар, туланмаган қарзлари учун истаган вақтда судга беришга тайёр турган кимсалардан ҳаминша қочиб юрарди. Шундай қилиб унинг янги ҳаётга торган йули ҳастилага энг қийин дамлардан бошланди. Аммо унда бир «бебахо» сифат ҳам мавжуд эдики, у эркаклар билан қандай муомала қилишни яхши биларди. Бу бордада гоятла тажрибали эди у.

Француз инқилобчилари эрини улдиришгач, Жозефина бошпанасиз ва ҳимоясиз бўлиб қолди. Купчилик эсли-хушли аёллар бундай пайтда қандай йул тутишлари тушунарли, у ҳам ушалар сингари иш тутиб, узига маъқул эр излай бошлади.

... Дугоналаридан бири унга Наполеон ҳақида гапириб берди. Уша кезларда уни ҳали ҳеч ким танимас ва танасидаги қичима касалтидан бошқа одамлардан айириб турадиган ҳеч қандай сифати маълум эмас эди. Шундай бўлсада Жозефина унга турмушга чиқишга рози, ҳатто бунни жон дилидан истар, кечалари «илоҳо рози бўлинган» эса тиловат қилиб чиқарди.

Шундай қилиб кунлардан бир кун дугоналари Наполеоннинг рози эканлигини айтиб қолдишди. Жозефина эса аёлларга хос эҳтирос билан танишишга жазм этди.

У қандай қилиб бунга эришди, деган савол туғилади. Жозефина уйлай-уйлай, ниятини амалга оширишнинг энг мақбул йулини топди. Ун икки ешли кичик ўғлини Наполеоннинг олдига юбориб, ундан отасидан қолган чидирни совға сифатида қабул қиласизми? — деб сураб келишни буюрди. Наполеон бунга қар-

ши ҳеч нарса дея олмади. Эртаси кунни Жозефина пардоз-андоз билан, куз епини оқизиб, курсатан илтифоти эвазига Наполеонга ташаккур билдириш учун жунлади.

Жозефинанинг хушмуомаласи ва ажойиб қадли-қоматидан Наполеон қаттиқ таъсирланиб кетди.

Жозефина уни бир пиела чойга тақлиф қилганида, Наполеон жамоатда туган уз мавқеига қура аелнинг узидан устултигини тан олди.

Меҳмондорчилик пайтида мезбон аёл унга қараб, сиз ҳали тарихдаги энг буюк генераллардан бири бўлиб қоласиз, деганди...

Наполеонга ҳамма нарсани уз вақтида бажариш истаги кучли эди. «Вақт — ҳамма нарса!» — дерди у. Бошқа бир сафар эса «Мен жангда бой беришим мумкин, лекин вақтни бой бера олмаймаман!» — дея қайд этганди. Шунга қарамай, уз никоҳ маросимига икки соат кечкиб келгани гоят ажабланириди. Никоҳни қайд этувчи судя кутишдан чарчаб, Наполеон келгунча мудрай-мудрай, охири ухлаб қолди.

Туйдан роппа-роса қирқ саккиз соат утгандан кейин Наполеон Италияга қарши жангга кирди. Унинг яхши таъминланмаган армияси очликдан азият чекарди. Шундай бўлса-да, у жангда ютиб чиқди, голиблик овозаси бутун қитъа бўйлаб ейилди. Европа тарихи бир неча асрлардан буён ҳали бундан ажойиб галабини қурмаган эди.

Наполеоннинг шундай вазиятда, ҳатто жанг майдонларида ҳам Жозефинага ҳар кунни хат эзишга вақт топгани кишини ҳайратга солади. Яна қандай мактублар! Ҳиссиётга бой ишқий номалар. Наполеоннинг Жозефинага йўллаган саккизта хати 1933 йилда Лондондаги ким онди савдосида турт минг фунтга сотилган. Уларни уқитан киши хатларининг шунга муносиб эканлигига амин бўлади, айниқса, бизнинг замонда. Масалан: «Қардоним Жозефина!

Сенга бўлган муҳаббатим мени алойитамом қилмоқда, мен овқатланиш ҳақида уйлашни ҳам унутдим... Тушларим белдор утмоқда. Мен уз дусту-ёрларим ҳақида қайтмай қуйдим. Шон-шухратни асло уйламайман ва сени қандай галаба шод этса шунни бажо эттишга тайёрман. Акс ҳолда армияни ташлаб, оғи-

ннга бош уриш учун ортга, Парижга қайтган бўлардим.

Сен чексиз муҳаббатинг ила мени узингга ром эдинг, уз оташин ишқинг билан қалбимни қувончларга туддирдинг. Соат сайин сурагини табоқаман, дақиқа сайин уни улиб туймайман».

Бу ҳали бошқа мактубларининг олдида ҳолва. Купгина аёллар бундай мактуб учун уйламай-нетмай уз инон-итиерларини тошпирдилар.

Лекин Жозефина буларга унчалик аҳамият бермади. Номаларга жавоб қайтаришини ортиқча ташвиш, деб билган Жозефина эрининг қаттиқ нафратини қузғатиб юборди. Шу пайтда у бошқа биров билан дон олишиб юрганди.

Охир-оқибат у хотинининг бефарқлигидан чарчади. Мисрдаги жанг пайтида у бир фоҳишани чойга тақлиф қилди. Узоқ Парижда туриб, Жозефина бундан вофик бўлди.

Наполеон Францияга қайтгач, бундай вазиятларда эр-хотин уртасида бўладиган ҳолат юз берди, орага совуқлик тушди. У эри ҳақида нимани уйлаётган бўлса, барини туқиб-солди, эр ҳам шу оҳангда жавоб қайтариб, хонасини епиб олди.

Шу тариқа бошқа оилавий чигалликлар ҳам буй курсата бошлади. Жозефина Наполеоннинг сигилларига қараганда насаби жиҳатдан анча юқори табақага мансуб эди, бу эса уларнинг гашини келтирар, габзбини қузғатарди. Улар янгамиз бизга нисбатан ҳурматсизлик қиляпти, деб ҳисоблашарди. Қайинсингиллар Жозефинани «кампириш», дея масхаралаб Наполеонга эса «қари, семиз хотинингни ташлаб, епироғига уйлан!» — дейишарди.

Бироқ улар Наполеоннинг Жозефинага бўлган муҳаббатини сундира олмади. Лекин у барибир хотини билан ажрашишга қарор қилди. Бунинг сабаби эса бошқа томонда эди: унга ўғил туғиб берадиган хотин керак эди. Ажралиш зарурлигини англаб етгач, унинг қалби яраланди, талоқ хатига имзо чекайтиб йиғлаб юборди. Ажрашгандан кейин у ую-ҳалга фарқ бўлиб, ҳеч кимни қургиси, ҳеч иш қилгиси келмай, уч кун уз қасрига қамалиб олди. Ана



Раҳмон ҚОДИР тайёрлади



Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна давом этаяпти! Барчангиз учун сеvimли "Оила ва жамият" газетаси сизларга мунтазир.

ОБУНА - 98

ОБУНА ИНДЕКСИ: 176
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: 177

НЕГА «ЗАПОРОЖЕЦ» ДА РАДИО ЙЎҚ? Жаҳон кулади

Тиш духтирининг хонасига уттиз икки тиш ҳам тилладан булган киши кириб келди.

— Илтимос, огайни, — деди удухтирга, — сигналзация урнатиб берсангиз.

Жухуд йигит чуқоткалик қизга уйланмоқчи булди. Ота-онаси совчиликка боришди. «Булар бунча хушук», — деди эр хотинига қуда томонга ишора қилиб. Шу пайт қизнинг тоғаси уридан туриб:

— Мен жиянимга бир отар бугу совға қилмоқчиман, — деса, қизнинг отаси:

— Мен эса бир килоли тилла эмби туяна қиламан, — дебди.

Бунга эшитиб йигитнинг отаси шундай дермиш:

— Булар жа-а келишган одамлар эканми-а!

— Пулинг жуда кўпкү, нега машина олмайсан?

— Машина олмаганим учун ҳам пулим кўп-да!

— Бутун трамвайда кондуктор менга шунақанги хумрайиб қарадики, худди мен йул ҳақини туламагандек.

— Узи тулаганмидинг?

— Йўқ. Лекин мен унга худди тулагандек безрайиб қараб туравердим.

Арман радиосидан сўрашди:

— Нега «Запорожец»га радио қўйишмайди?

— Сабаби, унда тизангиз қулоғингизни ёпиб туради.

Даврон БЕК таржумаси

Сўранг, жавоб берамиз

БОЛА ҚАНДАЙ АСРАБ ОЛИНАДИ?

«Биз жуда аҳилу-инок яшаймиз. Лекин ўртамизда фарзанд йўқ. Кўп қаратдик. Фойдаси бўлмапти. Бирорта бола асраб олиш ниятидамиз. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?»

Гулнора, Адҳам, Сирдарё шаҳри.

Фарзанд асраб олиш жуда савоб иш. Агарда жуфти ҳалолингиз билан шу қарорга келган бўлсангиз, аввало узингиз яшаб турган шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилишингиз керак. Бундай идоранинг маориф бўлими мутасаллилари Сиз — булажак ота-она билан яқиндан суҳбатлашади, фарзанд асраб олишнинг узига хос шартлари билан бирма-бир таништиради. Булар қуйидагича:

Эр-хотин ичмайдиған, чекмайдиған, жисмонан ва руҳан соғлом, шунингдек бирор жиноий ҳаракати тўғриси илгари судланмаган бўлиши керак. Бола тарбияланганидан уйдаги шароитлар махсус текшируви гуруҳ томонидан қўздан ке-чирилди. Сунгра фарзанд асраб олиш учун тушган ариза ҳал этила-

ди.

Болага исм қўйиш, уни уз фамилияларига олишни ота-она бир-галликда ҳал этиб, сунгра фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш илорасига хабар қилинади. Бола асраб олингани ва унинг ҳақиқий (илгариги) исм-шарифи мутлақо сир тутилади. Бу сирни ошкор қилган шахс эса жиноий жавобгарликка тортилади.

Фарзанд асраб олинди ҳам дейлик. Лекин шуниси ҳам борки, тутинган ота-она бола билан старлича шугулланмаса еки унга нисбатан муттасил шафқатсизларча муносабат қилса, суд бундайларни ота-оналик ҳуқуқидан махрум этишга ҳақлидир.

Г. ОЛИМОВА, Хуқуқшунос

РАСПУТИННИНГ ВАСИЯТИ

Тилсимли дунё

Улими яқинлашганини сезган Григорий Распутин кироличага узининг васият хатини топширади. Хатда у узининг 1917 йил кириши арафасида улдирилишини эзиб, қотили олдий дехқон бўлса, Россия гуллаб-яшнашини, мабодо аслзода зотнинг қулида жон берса, икки йил ичида пошпо ва оиласи қатл этилишини, мамлакатда монархия тутатилишини башорат қилади.

Г. Распутин 1916 йил 29 декабрга утар кечаси княз Ф. Юсупов томонидан улдирилди. Ундан кейинги воқеалар эса тарихдан малум.

Учинчи Рейхнинг Инқирози

Жозеф Реналд исми киши 1932 йилда Гитлерга шундай деган эли: «Сиз Германияга ва бутун жаҳонга жуда кўп қулфат келтирасиз». Венгриялик башоратқўй Бориска Силбнгер эса фашистлар партизиси 40-йиллар ургаларида инқирозга юз тутишини башорат қилган. Гамбурглик Вилгелм Вулф Адолф Гитлернинг 1945 йил 7 майда сирди равишда улишини айтган. У уз башоратиде атиги бир хафтага алашли.

Зерамек




Манзил: Тошкент, Солиқов кўчаси, 9.

«ТОШКЕНТ ЛОК-БУЁҚ ЗАВОДИ»
Марказий Осиёда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона. Бу соҳада 50 йиллик тажрибага эга. Буёқ идишидаги қоғозда цехнинг тартиб рақами, фамилия, ой ҳамда йил курсатилган бўлсагина ҳақиқий завод маҳсулоти ҳисобланади.

СОТАДИ (нархи бир тоннаси учун, кўшимча қиймат солиғи билан бирга)

Саноат маҳсулотлари:

- НЦ-219 локи, мебел учун-298.000 сум.
- БТ-51 локи-41.300 сум.
- «Оксол» олифи-150.000 сум.
- ПФ-115 эмали, кук, тўқ жигар, тўқ яшил, пистоки, қизил, қора рангли - 160.000-220.000 сум.
- ПФ-266 эмали, сарғиш жигаранг-212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали - 242.000 сум.
- ПФ-223 оқ эмали - 224.000 сум.
- ПФ-1147 эмали, тўқ яшил;
- Йулларда ҳошия чизишда ишлатиладиган эмал- 177.000 сум.
- Том учун буёқ - 153.400 сум.
- КЧ-2141 эмали, оқ, очик кук, очик пистоки;
- МА-22 буёғи, очик кук - 200.600 сум.
- ВД-АК-229 сув-эмулясия буёғи, оқ -73.400 сум.
- ГФ-0163 -118.000 сум.
- КБ буёғи - 35.400 сум.



Халқ истеъмоли моллари:

- ПФ-223 оқ эмали, 4 кг.ли идишда - 218.300 сум.
- ВД-ВА-2245 буёғи, оқ, 5-7 кг.ли идишда;
- ПФ-266 сарғиш жигаранг эмал, пол учун, 3 кг.ли идишда - 212.400 сум.
- ПФ-191 оқ эмали, 3 кг.ли идишда - 242.000 сум.
- «Оксол» олифи - 150.000 сум.
- Том учун буёқ - 160.000 сум.

Чекланмаган миқдорда сотиб олади:

- Глицерин; -Метал цинк;
- 0.8 КШли пўлат тунука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм;
- Пантаэритрит; -Фтал ангедрид;
- № 25 ли оқ тунука; -Пўлат чиқитлар (лом);
- Пўлат тунука, қалини.

ТЕЛ: 68-79-45

ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-51



Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Шioriимиз: Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент - 700000,
Амир Темуր кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -20.00
Босишга топширилди - 19.30

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0836
28943 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Урол СОДИҚ